Dehqon elkasiga dunyo tayanar

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

Muassis O'sbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1997 йил 19 СЕНТЯБРЬ. ЖУМА №74 (5.845). Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ — ИНГЛИЗ ТИЛИДА



Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби дунё жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Зеро, асарда кўтарилган долзарб масалалар нафақат ватандошларимизни, балки бошқа мамлакатлар аҳлини ҳам бефарқ қолдирмайди. Китобда Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тутган муносиб ўрни, мавқеи, улуғ вазифаларни амалга оширишга қаратилган тараққиёт йўли теран илмий асосда баён этилган. Жаҳон ҳамжамияти янги аср бўсағасида дуч келаётган муҳим сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг ечимига бағишланган ушбу китоб кўплаб хорижий тилларга таржима қилиниб, йирик сиёсий арбоблар, олимлар, иқтисодчилар томонидан чуқур ўрганилмоқда.

Буюк Британиянинг машҳур «Керзон Пресс» нашриёти Ислом Каримовнинг мазкур китобини инглиз тилида кўп нусхада нашр этди. Бу дунё жамоатчилигини Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, эркин, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида қилинаётган тарихий ўзгаришлар билан таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

(ЎзА).

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

17 сентябрь куни Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продининг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланди. Олий мартабали меҳмонни ва унга ҳамроҳлик қилувчи кишиларни расмий кутиб олиш маросимидан сўнг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов билан Италия Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продининг яккамаяккма суҳбати бўлди. Унда Ўзбекистон — Италия муносабатларининг ҳозирги даражаси ва истиқболи, шунингдек, Марказий Осиё ҳамда Урта Ер денгизи ҳавзасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва барқарорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар, халқаро сиёсатнинг долзарб муаммолари бўйича фикрлашиб олинди.

Ўзбекистон ва Италия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида бош мавзу — Ўзбекистон-Италия муносабатлари асосий ўринни эгаллади. Романо Проди Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасидаги хизматлари ҳамда мамлакатимизнинг ташқи сиёсатига юқори баҳо берди.

Шунингдек, Р.Проди куни кеча Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» мавзуидаги конференцияга тўхталиб, ушбу анжуман нафақат минтақавий, балки дунёвий тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам эканини айтди.

Италия Вазирлар Кенгаши Раиси ўз мамлакатининг иқтисодий салоҳияти ва Ўзбекистон билан ҳамкорлик учун мавжуд имкониятлари ҳақида сўзлаб, жумладан бундай деди:

— Италия иқтисодида кичик ва ўрта бизнес муҳим ўрин тутади. Уларнинг барчаси малакали мутахассис ва энг илғор технологияга эга. Ўзбекистон билан ҳамкорлик учун йирик фирмалардан ташқари, кичик ва ўрта бизнес вакилларини ҳам жалб қилиш мумкин. Аминманки, бу ўзаро муносабатларда кескин бурилиш ясайди. Биз Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонга алоҳида эътибор қаратамиз...

Романо Проди Италия Ўзбекистон билан сайёҳлик, мармарни қайта ишлаш соҳаларида ҳам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга тайёр эканини маълум қилди. Шунингдек, Ислом Каримовнинг Римда Ўзбекистон элчихонасини очиш ҳақидаги фикрини мамнуният билан қабул қилганини айтди.

«Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистон Бош вазири ва Италия Вазирлар Кенгаши Раисининг икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашуви сўнгида Тошкент вилояти ҳокимлиги билан Италиянинг «ФАТА» компанияларининг гуруҳи ўртасида Тошкент вилоятида агросаноат мажмуини ривожлантириш бўйича дастурни амалга ошириш тўғрисида, Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги билан Италиянинг «Стет-Телеком Интернешнл» компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Италиянинг «Коммерчиале Италиано» банки ўртасида ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

ПАХТАЗОРДА МЕҲНАТ НАВОСИ



МАШИНА ТЕРИМИ — ИШ УНУМИ

Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» жамоа-ширкат хўжалигида машина терими бошланди...

Далаларда ҳаёт қайнайди. Агар таъбир жоиз бўлса, ҳозир шундай жозиба ва жўшқин бир палладирки, мустақил Ўзбекистонимизнинг Истиқлоли ва Истиқболи ҳудудсиз пахтазорларимизда қийғос очилган чаман-чаман чаноқларда ҳам баралла бўй кўрсатгандай. Пахта! Йилнинг тўрт фаслида ҳам пахта эъзози устувор. Айниқса, пишиқчиликнинг олтин фасли — кузда ҳосил йиғим-терими масъулияти яна ўн чандон, балки юз чандон ошиши табиийдир. Зеро, Ўзбекистон — беназир юртимиз «оқ олтин»га кон...

Не бахтки, деҳқончилик бу йил яхши келди, бободеҳқонларимизнинг ўз тили билан айтганда, далаларимизга Аллоҳ таолло баракасини сочди. Донимиз — нонимиз мўл бўлди. Кўз тегмасин, элимизнинг тўкинчилик дастурхони турфа нозу неъматлардан сероб. Насиб этса, нияти улуғ пахтакорларимизнинг шаштига яраша «оқ олтин» хирмонлари ҳам сарбаланд бўлгай. 1997 йилнинг ҳосили бугун чаноқларда тошқин ва тошқин.

Республикамиз мустақиллигининг 6 йиллик қутлуғ тўйи нишонланган жорий йилда Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» жамоа-ширкат хўжалиги пахтакорлари мавсумни яхши ниятлар билан бошлаб юборишди. Хўжаликнинг 2500 гектар пахта майдонида мўл ҳосил етиштирилди.

— Жамоамиз йил бошида давлатга 6600 тонна сифатли хом ашё териб топшириш ниятини қилган эди, — дейди хўжалик раҳбари, тажрибали пахтакор Муродулла Саидов. — Аммо бу йил далаларимизда ҳосилнинг чўғи баланд. Пахтакорларимизнинг ғайрат-шижоати юксак аҳдга яраша бўлаяпти. Шуни ҳисобга олиб камида 8 минг тонналик улкан хирмон яратишга жазм этганмиз.

Дарвоқе, меҳнатнинг масъулияти ҳамиша юксак. Яратиш завқи меҳнат соҳибини ҳам шу маънода юксакларга кўтаради. Пахта йиғим-теримини мавсум талабларидан келиб чиқиб ташкил этаётган кўпгина хўжалик ва жамоаларда аллақачон биринчи марра забт этилди. «Жейнов»ликлар ҳам шу устувор ният билан меҳнат қилишмоқда.

Хўжаликда ҳосилнинг асосий қисмини машиналар ёрдамида йиғиштириб олиш кўзда тутилган. Катта-катта пахта пайкаллари терим агрегатларига ажратилган. Қўл терими ҳам юксак суръатлар билан олиб борилмоқда.

Техника — деҳқон қаноти. Пайкалларга жавлон уриб кирган терим машиналари яна суръатга суръат қўшиб юборди. Куни кеча уларнинг 22 таси билан пахта териб олишга киришилди. Хўжаликдаги жами ана шундай 40 та терим агрегатлари эрта-индин хирмонлар баракасига барака қўшиб, ғалаба маррасини лаҳза сайин яқинлаштиради. Айни пайтда Сиддиқ Қиличев, Акром Расулов, Олим Азларов сингари «пўлат от» суворийлари машина бункерларидан дастлабки тонналарни хирмонга тўкиб, терим суръатини чандон ошириб юборишди.

Ана шундай! «Жейнов»да — хирмонлар кун сайин кўкка бўй чўзмоқда. Бунда терим машиналарининг шиддати, механизаторларнинг ғайрати алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Абдулла ТУРДИЕВ,
Обиджон ҒОФУРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: 1. Хўжалик раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Муродулла Саидов илғор механизаторлар даврасида. 2. Пахта териш машиналари пайкалга кирди-ю, суръатга суръат қўшилди.

Ш.ШАРОПОВ олган суратлар. (ЎзА).

ҲОСИЛ МАҲТАЛ БЎЛМАЙДИ

Ҳар йили йиғим-терим мавсумининг оммавий бошланиши арафасида «Биринчи чаноқ» — Пахта карвони байрами ўтказиш анъанага айланиб қолган. Илк баҳордан онаерга меҳрини, бутун ғайрат-шижоатини бағишлаб пахта ҳосили етиштирган бободеҳқоннинг илк карвони йўлга чиқади шу куни...

Яқинда Чиноз тумани марказидаги пахта тозалаш заводига элтувчи кўча одатдагидан гавжум бўлди.

Завод дарвозаси ёнида пахта ортилган трактор, тележкалар саф тортди. Бу ерда корхона дарвозаси ёнида доира ҳосил қилган юзлаб одамлар янги ҳосил карвонини сабрсизлик билан кутишарди.

Анъанавий ҳосил карвонига бағишланган тантанали маросимда туман ҳокими Эшмуҳаммад Бердиев йиғилганларни янги мавсум билан қутлаб, уларга пахтани нест-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиб, топшириқларни бажаришларида омад тилади.

Шундан сўнг «Узбекистон» жамоа хўжалиги раиси Э. Жонтелеев, ветеранлар агротехника уюшмаси раҳбари И. Тешабоев, туман халқ таълими бўлими мудири Т. Эргашев, пахта тозалаш заводи директори Б. Турсуновлар сўзга чиқишиб, ўзлари меҳнат қилаётган хўжаликларда, корхона ва ташкилотларда йиғим-терим мавсуми қандай ташкил этилганлиги, оммавий сафарбарлик ҳақида гапирдилар.

Карнай-сурнай садоси остида завод дарвозасига тортилган лентани «Эшонобод» жамоа хўжалиги раиси Е. Ерхўжаев қирқиб, янги ҳосилга «оқ йўл» тилади.

Шу куни оқ карвон Чиноз пахта тозалаш заводига дастлабки 160 тонна пахта келтирди. Завод ишчилари бу йилги мавсумда 18 минг 100 тоннадан ортиқ оқ олтинни қайта ишлашга аҳд қилишган.

Т. ЭРХЎЖАЕВ.

СУРЪАТ ОРТМОҚДА

Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани «Савай» қишлоқ хўжалик уюшмасининг Саодатхон Нурматова бошчилигидаги бригадаси пахтакорлари йиллик режани уддаладилар. Чигит пленка остига экилган 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан биринчи теримдаёқ 30 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Бригада азаматлари ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш йўлида йиғим-теримни тобора қизитишаяпти.

Зумрадхон АБРОРОВА.

ХОМ АШЁ ЖОЙИДА ҚАЙТА ИШЛАНАДИ

Риштон тумани хўжаликларида етиштирилган пахта эндиликда шу ернинг ўзида қайта ишланади. Бу ердаги Хуррамобод қишлоғида завод ишга тушди. Илгари хўжаликларда етиштирилган ҳосил Фарғона шаҳридаги заводга топшириларди. Бу ортиқча иш кучи ва маблағ талаб этар эди. Янги корхона фойдаланишга топширилгани туфайли 450 нафар қишлоқ ёши иш билан таъминланди.

(ЎзА)

Хирмонга барака

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1997 ЙИЛ 18 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
Хоразм	2,30	53,07
Андижон	2,92	44,22
Сурхондарё	1,82	35,87
Қорақалпоғистон Республикаси	1,63	25,57
Бухоро	2,30	19,21
Фарғона	3,17	16,83
Наманган	2,24	15,27
Қашқадарё	2,32	14,87
Самарқанд	2,40	13,58
Навоий	1,72	10,18
Сирдарё	1,33	7,98
Тошкент	1,05	6,25
Жиззах	1,00	4,11
Республика бўйича	2,07	21,31
1996 йилда	2,34	16,29

ШУ ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА

(тонна ҳисобида)

Сурхондарё	1466	24203
Қашқадарё	97	616
Республика бўйича	1563	24819
1996 йилда	911	8350

КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ, ИСИТМАСИ ОШКОР ҚИЛУР

Ҳар йили ерга чигит тушганидан бошлаб то йиғим-теримгача қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлашни ўз вақтида амалга оширишга доир қарорлар қабул қилинади, топшириқлар берилади. Ажабо, айрим хўжалик раҳбарлари ҳамон тепса тебранмайди. Эсли-хушли, мансабли бўла туриб бажармаган ишларини қилинди деб ҳисоб бериб юбораётганларга нима дейсиз? Кўзбўямачилик ҳеч кимга наф келтирмаган...

Бугун барчанинг фикру хаёли бободеҳқон йил бўйи тўккан пешона тери эвазига яратилган оқ олтин ҳосилини нес-нобуд қилмай, сифатига путур етказмай йиғиштириб олишда. Ҳамма пахтазорга шошилади-деҳқонга мадад бергиси келади.

Йиғим-терим мавсуми бошланишидан аввал Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «1997 йилда пахта йиғимтерим мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» муҳим қарор чиқарди. У хўжаликларнинг эртанги иқтисоди ривожига ҳам даҳлдор. Пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиштириб олиш учун зарур бўлган моддий-техника базасини тайёрлаш, хўжаликлар ва йиғим-терим ишларида банд бўлганлар билан ҳисоб-китобларни белгиланган муддатларда амалга ошириш учун вилоят ва туман ҳокимликлари, қишлоқ ва сув хўжалиги уюшмалари раҳбарлари масъулдирлар. Аммо айрим туман ва хўжаликларда, айниқса, пахта йиғим-теримига техника воситаларининг тайёрлигини таъминлашга, уларга эҳтиёт қисмлар етказиб беришга етарли эътибор берилмаётир. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё вилоятларида терим машиналарини тайёрлашда суст кашлик давом этмоқда.

Техника имкониятларидан тўлиқ фойдаланмай мавсумда юксак суръат ва иш баракасига эришиб бўлмайди. Бу оддий ҳақиқатни айрим раҳбарлар ҳамон тушуниб етмаётирлар.

Энг ачинарлиси, баъзи хўжаликлар томонидан техникани таъмирлаш юзасидан берилаётган ҳисоботларда ҳамон кўзбўямачиликларга йўл қўйилаётир. Боёвут тумани «Деҳқонобод» жамоа хўжалигидан олинган ҳисоботда мавжуд 15та пахта териш машинасидан 13 таси мавсумга шай дейилган. Аслида эса фақат 9 та терим агрегати тайёрланган, холос. Бу ўз-ўзини алдаш-ку! Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади. Шу каби сохтабозликлар туманлаги «Боёвут», «Навруз», Ш.Рашидов, А.Навоий, Н.Маҳмудов номли хўжаликларда ҳам содир этилган.

Техника пахтакор қаноти. Терим ҳақидаги маълумотларга бир кўз ташланг-а. Боёвут туманида йиллик пахта тайёрлаш режаси ўн бешинчи сентябрга қадар бор-йўғи ўн фоизга етган, холос. Республикадаги илғор туманлар эса йиллик режаларининг 60-65 фоизига етказдилар. Улар тез кунларда режаларини уддаладилар-ку?! Судралганлар-чи?!

Қамаши туманида ҳам пахтанинг кўп қисми машиналар ёрдамида йиғиштириб олиниши мўлжалланган. Текширилган пайтда мавжуд 11 та хўжаликлардаги жами 210 та пахта териш машиналаридан бирортаси ҳам мавсумга тўлиқ тайёрланмаган. Туманнинг «Чим» жамоа ширкат хўжалигидаги 20 та терим машиналарига эса умуман қўл теккизилмаган.

Республика ҳукуматининг қарорида жорий йилнинг 25 августига қадар пахта териш машиналарини, юклаш, ташиш воситаларини тайёр ҳолга келтириш белгиланган эди. Бу талаб айрим жойларда тўлиқ бажарилмаётир. Қайсидир ношуд раҳбарнинг айби билан терим оқсаса, ғалвир сувдан кўтарилгач аҳвол нима бўлади?

Арнасой туманидаги «Андижон», «Олтин водий» хўжаликларида ҳам техника тайёргарлиги суст. Бу ҳолда Арнасой сурункали қолоқликдан қачон қутилади? Баъзи хўжаликларда янги техника ва эҳтиёт қисмлар сотиб олишга имкон бўлмаса, эскисини асраб-авайлаб мавсумда фойдаланиш лозимку! Ахир, янгисини эскиси асрайди

Ғулом ШУКУРОВ.
Республика прокуратураси Умумий назорат бошқармаси катта прокурори, адлия маслаҳатчиси.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ТЕРИМЧИЮ МЕХАНИЗАТОР ҲАҚИ НАҚД

Шу йил август ойида матбуотда Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унда шу йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, пахта маҳсулоти ҳажмларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашда қишлоқ хўжалик ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсад қилиб қўйилганди.

Хўш, бу ҳаётий қарор жойларда қандай бажарилмоқда? Биз ана шу ва бошқа саволларга жавоб топиш ниятида Бўка тумани деҳқонларининг бу борадаги қилаётган ишлари билан танишдик.

— Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорига асосланиб ўзимизнинг тадбиримизни ишлаб чиқдик, — дейди туман ҳокими Раҳим Обидов. — Унда пахтани йиғиштириб олишда деҳқонларни моддий рағбатлантириш учун хўжаликларга аниқ тартибда ҳақ тўлашни тавсия қилдик. Туманда икки қаторли пахта териш машинасида терилган кондицион оғирлиги бир тонна пахта учун камида 90 сўм, тўрт қаторли машинада терилганда 55 сўм қилиб белгиланди. Қўлда терилган бир килограмм ўрта толали пахта учун эса камида 3,5 сўмдан ҳақ тўланади. Бундан ташқари терилган пахта учун деҳқон ва механизаторлар билан ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилинади.

Оқ олтин — 97

Бу муҳим қарорда шу йил 1 сентябргача хўжаликларнинг моддий-техника базаси йиғим-теримга тайёрлаб қўйилиши ва мавсумни юқори ташкилий даражада ўтказилиши таъкидланганди. Биз шуни ҳисобга олган ҳолда тумандаги мавжуд 75 та пахта териш машинасини йиғим-теримга тахт қилиб қўйдик. 39 та кўрак териш техникаси, 70 та кўрак чувиш машинаси ва 784 та пахта ташишга мўлжалланган тиркамалар шай. Пахтазорларнинг машина бурилиш жойи бульдозерлар ёрдамида текисланиб, уқариқлар кўмилди. Ана шу ва бошқа мавсумга тайёргарлик юушларини туман ҳокимлиги томонидан тайинланган комиссия аъзолари қабул қилиб олишди.

Бу йил туман деҳқонлари 16 минг 800 гектар ерга чигитни барвақт қадаб, баравж ўсишини таъминлашган эди. Лекин баҳорнинг серёмғир келиши пахтакорларнинг далага кириб, ғўзага ишлов беришини қийинлаштирди. Бунинг устига бирин-кетин икки-уч марта ёққан кучли ёмғир ниҳолларнинг бир қисмини ювиб кетди. Талафот натижасида 6 минта яқин гектар пахта майдонини бузиб экишга тўғри келди. Бироқ деҳқонлар тушкунликка тушмасдан, талафот кўрган ерларни бароналаб, қисқа муддатларда қайта чигит экишни амалга оширишди. Омон қолган ерларнинг қатқалоғи бўшатилиб, унга барча агротехник қоидаларга риоя қилинган ҳолда ишлов бериш ниҳоясига етказилди. Оқибатда пахта майдонларининг асосий қисмида мўл ҳосил етиштирилди. Айни кунларда чигит қайта экилган майдонларда ҳам пахтанинг очилиши чаман-чаман.

Шу кунларда туманда дефолиантлар ёрдамида ғўза баргини сунъий тўкиш тадбири ўтказилмоқда. Шу йилнинг 5 сентябригача бўлган маълумотларга қараганда, мавжуд пахта майдонининг 937 гектари сифатли дефолиациядан ўтказилди. Яъни ҳар бир пуркагичнинг иш самараси 30-35 гектарга етказилмоқда. Ўша куни 510 гектар ер дефолиация қилинган бўлса, ҳозирги кунга пуркагичлар сони кўпайтирилиб, бу рақам кунига минг гектардан ошяпти. Бунинг учун керак бўлган дефолиантлар ўз вақтида етказилиб турилибди.

Пахтани қўлда терганларга ҳам шарт-шароит яратиб берилган. Мавсумга жами жамоа хўжалиги аъзолари фаол қатнашади. Бунга қўшимча туман ташкилотлари, ҳашарчилар ва бошқа муассасалардан 20 минг киши деҳқонлар қўли билан етиштирилган мўл ҳосилни йиғиштириб олишга ўз улушларини қўшишади.

Айни кунларда туман хўжаликларида терим кун сайин авж олмоқда. Туманда бу йил пахта одатдагидан 15-20 кун илгари етилди. Бундан ташқари деҳқон бахтига ғўзанинг олган ҳарорати ҳам ўтган йилдагига қараганда кўп бўлди. Айниқса, миришкорлик илмини пухта узлаштирган андижонликлар усули плёнкада етиштирилган майдонларда пахта эрта пишди. Шу боис туманнинг Кўкорол, Бўстон ва бошқа жамоа хўжаликларида пахта териш кундан-кунга қизигандан-қизимоқда.

Гулом ЮСУПОВ
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Тадбиркор — элга мададкор

ВАҲОБ ОТА БОҒИ

Нафсиламбирини айтганда, булунғурлик Ваҳоб ота Турдиалиев олижаноблик, олиҳимматлик... каби эзгуликни ҳамма нарсадан устун қўяди. Бундан икки йил олдин отахон ўз маблағи эвазига 5 гектар ерда боғ яратишга жазм айлади. Ҳадемай Ваҳоб ота боғлари болга тўлиб, ўз бунёдкорининг номини ва шаънини гулларга буркайди. Бу гуллар — эҳтиромнинг боқий гуллари бўлиб, асрлар оша гуркирайди...

Ваҳоб ота Турдиалиевнинг қарилик нафақасига чиққанига ўн икки йил бўлди. Меҳнат фаолиятини оддий колхозчиликдан бошлаган бу отахон савдо соҳасида, сув хўжалиги идорасида масъул вазифаларда ишлади. Хўжаликда ҳисобчилик қилди. Солиқ назоратчиси бўлиб ишлади.

Оиланинг нуфузи баланд. Бу қутлуғ хонадонда беш қиз ва уч ўғил — 8 нафар фарзанд камол топди. Оиланинг тўнғич фарзанди туман газлаштириш идорасида ишлайди. Иккинчиси Мирзабой йигирма йил ички ишлар идораларида хизмат қилиб, бугунги кунда укаси Суннатни ёнига олган ҳолда отаси қаватида боғбонлик қилишаётир. Отанинг 5 нафар қизи ҳам уйли-жойли. Ваҳоб отанинг 30 дан зиёд невара-чевараси дуркун ва баркамол.

Меҳнатга ўрганган киши тиниб-тинчимаслигини қўймас экан. Ваҳоб ота ҳам ўғли ва келинларига қўшилиб ипак қурти боқишар, ижарага олинган майдонларда сабзавот экинлари парваришлар, хуллас, бекорчиликни хуш кўрмасди. Уни гоҳ далада, гоҳ ҳовли атрофига экилган тераклар орасида учратиш мумкин эди. Ёхуд олма ва бошқа мевали дарахтларга шакл бераётган, уларни суғораётган кезларини кузатганмиз.

Ваҳоб ота бир куни дабдурустдан ўзи истиқомат қилаётган «Ипак йўли» ширкатлар уюшмаси раисининг хонасига кириб келди.

— Менга ер ажратиб берсангиз, раис бува, — деди отахон. — Насиб этса, боғ яратмоқчиман...

Раис барака топсин, 5 гектар ерни Ваҳоб ота ихтиёрига топширди. Ишларига омад, ўзига куч-гайрат тилади.

Кузда Ваҳоб ота ўғил-қизлари, куёвлари ва невараларини тўплаб, ишга киришди. Кучатчилик хўжалигидан 50 минг сўмга сотиб олинган 1000 туп олма кўчатлари оби-тобида экилди. Шу тариқа янги боғ барпо этилди. Қатор ораларига буғдой уруғи сепилди.

Биз яқинда отахон яшаётган Ёлғизоғоч қишлоғида бўлдик. Ваҳоб отанинг боғини ва унинг атрофидаги ҳовуз бўйида гуркираб ўсиб ётган нав-ниҳолларни, экинзорларни кўриб дил-дилдан қувондик. Бу ерда уч хонали олди ойнаванд айвонли шийпон қурилишининг сўнгги ишлари давом этаётир.

Отанинг кайфияти аъло, ишлари баравж...

Ҳа, дарвоқе, яқинда у яна бир ажойиб тадбирга қўл урди. Ваҳоб ота республикамиз мустақиллигининг 6 йиллиги тўйи кунларида семиз наввосини сўйиб, қишлоқдошларига катта тўй берди.

Хайрулла ҲАМРОЕВ.

ПУДРАТЧИ ШИЖОАТИ

Уни «Боғимусо» жамоа хўжалигида билмайдиганлар камдан-кам. Шоира ўзига бириктирилган далаларда шунақанги мўл ҳосил етиштирдики, кўрганнинг ҳаваси келади.

Дастлабки теримдаёқ ҳар гектар майдондан 46 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Илғор пудратчидан сўрашди:

— Яна қанча ҳосил топширасизлар?

— Кўрамиз, қолган ҳосил ҳам ўзимизники. Менимча, 60 центнерга етказсак керак.

Пешку туманида Шоира Адизовага ўхшаган камтар, камсуқум пудратчи аёллар кўп. Улар мамлакатимиз мустақиллигининг олти йиллигида гектарлар ҳосилдорлигини ошириш ва зиммага олинган мажбуриятни ошириб бажариш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

С. ҚОДИРОВ.

Ҳозир айни пишиқчилик пайти. Бу даврда деҳқон қўли билан етиштирилган дала неъматларини йиғиштириб олиб бозорга боради. Натижада бозорларимиз арзон ва сифатли маҳсулотларга тўлади. Оқ олтин туманидаги С.Сиддиқов номли деҳқон-фермер хўжалиги полизкорлари ҳам истеъмол бозорини тўлдиришда ҳиссалари бор. Улар жорий йилда мўл-кўл қовун етиштириб, истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб беришмоқда.

СУРАТДА: хўжалик аъзолари Абдурауф Шодиев ва Қодир Абдураҳмоновлар ўзлари етиштирган қовуннинг сифатидан мамнун.

Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.



Матбуот сўзининг таъсири

«ДОН ЎҒРИСИ НОНГА ЗОР БЎЛУР»

Нон ҳамма нарсадан азиз ва муқаддас. Халқимиз уни азал-азалдан эъзозлаб, бир ушоғи ерга тушса ҳам олиб, кўзга суртади. Дастурхондан нон ўғирлаган, даладан дон ўғирлаган кимсаларнинг бети қора. Ўғирлик жамиятнинг ашаддий душмани. Лекин айрим вилоят ва туманларда нафси бузуқ, эл мулкига кўз олайтирган кимсалар учраб турибди.

«Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг 59-сонида чоп этилган «Дон ўғриси нонга зор бўлур» сарлавҳали танқидий мақолада ана шундай кимсаларнинг кирдикорлари фош қилинган эди.

Куни кеча таҳририят ушбу танқидий мақолага Жарқўрғон тумани ҳокимлигидан қуйидаги жавоб хатини олди. Уни таҳрирсиз чоп этдик.

— Жарқўрғон туман ҳокимияти шуни ёзиб маълум қиладики, «Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг 1997 йил 25 июль сонида чоп этилган «Дон ўғриси нонга зор бўлур» сарлавҳали танқидий мақолада баъзи бир нопок шахслар томонидан содир этилган ўғирликлар ҳаққоний қораланган. «Сурхон» ширкатлар уюшмасида собиқ 4-бўлим бошқарувчиси, ҳозирда шу бўлимда ташкил этилган «Эски-қўрғон» деҳқон фермер хўжалиги бошлиғи Раҳматулла Валиев томонидан хирмонда турган хўжалик ҳисобидаги 10,8 тонна буғдойни Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги «Узбекистон» жамоа хўжалигида яшовчи А. Хотамовга сотиб юборган. Бу масала туман ҳокимлигининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, ғалла талон-торожлигига қарши курашни сусайтирганлиги учун «Сурхон» ширкатлар уюшмаси маъмурияти, биринчи ғалла уюшма раиси Эрмуродов қаттиқ огоҳлантирилди. Жиноятни содир этган фермер хўжалиги бошлиғи Р. Валиев ҳамда омбор мудири Т. Турсуновга нисбатан Жарқўрғон туман тергов органлари томонидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

Туман ҳокимияти томонидан барча жамоа хўжаликлари раисларига, мазкур масалага мутасадди бўлган барча раҳбарларга доннинг бир донасини ҳам нобуд қилмай аниқ ҳисоб-китоб қилиш топширилди.

Жарқўрғон тумани ҳокими Н. ТУРДИЕВ.

«ШИФОБАХШ СУВ УВОЛ ЭМАСМИ?»

«Қишлоқ ҳаёти» рўзномасида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Хўжақудуқ қишлоғидан чиққан шифобахш сув турли хасталикларга шифо эканлиги хусусида фикр юритилганди. Аммо ўша обиҳаёт айрим раҳбарларнинг эътиборсизлиги оқибатида беҳудага оқиб ётганлиги таъкидланган эди.

Таҳририят Косон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Р. Бекбоев имзоси билан танқидий мақолага жавоб хати олди. Унда шундай дейилади:

— Косон тумани ҳокимлиги шуни маълум қиладики, рўзноманинг 1997 йил 42-сонида босилган «Шифобахш сув увол эмасми?» сарлавҳали танқидий мақола туман ҳокимлигида ўрганиб чиқилди. Мақолада «Турон» жамоа ширкат хўжалигининг қарори билан, шифобахш сув атрофини ободонлаштириш ва даволаш маскани қуришни ўз зиммасига олган «Узбекнефтегазгеология» бирлашмасига ажратиб берилгани 50 гектар ернинг бир қисмига полиз ва сабзавот экинлари экилган. Шу кунларда майдоннинг йўл ва уй-жой қурилишига мўлжалланган қисмида текислаш ишлари олиб борилмоқда. Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бўлими лойиҳалаш гуруҳи томонидан 60 ўринга мўлжалланган даволаш маскани қурилишининг лойиҳаси тайёрланди. «Узбекнефтегазгеология» бирлашмаси айрим ишларни бажариш учун бульдозер, Т-28 маркали трактор ажратиб, уларни ёқилғи билан таъминлаган.

Ҳақиқатдан, айрим муассасалар сувдан ташиб фойдаланаётган бўлса-да, сув манбаи атрофида даволаш маскани барпо қилишга эътиборсиз қараб келинган. Бу йил «Турон» жамоа ширкат хўжалигининг қарори билан, шифобахш сув атрофини ободонлаштириш ва даволаш маскани қуришни ўз зиммасига олган «Узбекнефтегазгеология» бирлашмасига ажратиб берилгани 50 гектар ернинг бир қисмига полиз ва сабзавот экинлари экилган. Шу кунларда майдоннинг йўл ва

Шифобахш сувдан инсон саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қиладиган даволаш маскани бунёд этиш ишлари бошлаб юборилди. Бу хайрли ишни ҳар томонлама қуллаб-қувватлаш, ниҳоясига етказиш юзасидан туман ҳокимлиги барча чораларни кўради.

Косон туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р. БЕКБОЕВ.

ЎЗ ҚУДРАТИНГ НАМОЁН ЭТ

Ҳунарлининг нони бутун

Қутбиддин Турдиев Тошкентдаги театр ва рассомчилик институтининг керамика факультетини тугатгач, ижодий режалар билан тўлиб-ўсган тумани — Пахтаободга қайтди. Лекин ихтисоси бўйича иш топилавермади. Керамикачи-рассом меҳнатига эҳтиёж йўқлиги ёш мутахассисни умидсизлантирмади. Устоз шоир Ғ.Ғуломнинг «Тақдирин қўл билан яратур инсон, гойибдан келажак бахт бир афсона» деган сатрлари хаёлида чарх ураради. «Модомики, Пахтаободда менинг ихтисосим аҳсатдиган қорхона йўқ экан, уни ўзим барпо қиламан», деб дилидан ўтказди. Билими бор, куч-ғайрати етарли, керамика идишлар ишлаб чиқаришга уриниб кўрсачи?!

Бундай буюмлар ясаш учун таркибида оқлой, гилвата, ойна қуми ва бошқа моддалар сероб тупроқ конлари бўлмоғи шарт. Атрофидаги қирадирларда бундай тоифадаги тупроқ истаганча топилар экан. Энди ускуналар-махсус печлар, эливаторлар, қолиплар ҳамда буёқ ашёлар топиб келтириш муаммоси олдида туриб қолди. Пули кам, етмайди... Тадбиркор таниш-билишлардан қарзга пул олиб, бу масалани ҳал қилди. Цех учун махсус иморат топилавермади. Йигит ўз ҳовлисидаги уйлардан бирини ишлаб чиқаришга мослаштириб жиҳозлади. Пештоқига мўйқаламда зангори ранг чиройли харфларда «Кошинкор» оилавий кичик корхонаси», деб ёзиб ҳам қўйди. Сунг укаси Илҳомжонни ёнига олиб, фаолиятини бошлади. Илҳомжоннинг илгари Тошкент чинни заводида ишлаб, озми-кўпми тажриба орттиргани қўл келди. Ога-инилар вақт билан ҳисоблашмай комил ишонч билан эрталабдан кечгача тер тўкишарди. Оила аъзолари қаттиқ ишга киришган бу ака-укаларга бефарқ қараб туролмай ёрдамлашишар, ўзлари ҳам ишга уннаб кетар эдилар.

Керамика — сополдан уй рўзғор буюмлари ясаб чиқариш хийла машаққатли, мураккаб иш. Ташиб келтирилган тупроқ эливатордан ўтказилади. Ҳосил бўлган майин, тоза ашё 4 кун сувда ивитиб қўйилади, сўнг лой қорилади. Ишлов берилиб меъёрига етказилган лой қолипларга урилади ва 1-печга қалаб жойлаштирилади. Қолиплардаги хом маҳсулот печда 6 соат давомида қиздирилиб пишитилади. Сўнг чала пишган, ярим тайёр, рангсиз маҳсулотлар совигач, рассом қўлида жило тоиб, бир чиройига ўн чирой қўшилади. Қутбиддин хушбичим шакллар билан буюмларни безайди. Сўнг улар 2-печга жойлаштирилиб, 9 соат пиширилади. Бу орада махсус асбоблар ёрдамида маҳсулотга турли ранглар бериб борилади. Ушбу жараёнларнинг ҳаммасига Қутбиддин бош-қош. У корхона бошлиғи, у инженер, у рассом, хуллас барчасига дахлдор. Муҳими узоқ давом этган меҳнати, саъи-ҳаракатлари зое кетмади. Дастлабки турқум маҳсулотлари печкадан бехато, бутун чиқди. Керамика чойнаклар, пиёлалар, косалар, нафис лаганлар чиннидек силлиқ бежирим, жарангдор эди. Маҳсулотлар бозорга чиқарилганда, яна муъжиза юз бергандек бўлди. Улар бир зумда сотилиб кетди. Навбатдаги турқум, ундан кейингилари ҳам тез сотиларди. Харидорлар буюмларни қўлига олиб томоша қилишади. «Наҳотки, ўзимизнинг Пахтаободда тайёрланган деб», бир-биридан сўрашади. Нисбатан арзон, бежирим безакли буюмларни сотиб олишарди. Оилавий кичик корхона жамоасининг севинчи чексиз. Энди уларнинг ўз кучига, қобилиятига бўлган ишончи ҳар қачонгидан мустаҳкам. Самарали ишлаб, яхшигина даромад қилишяпти. Қарзлар узилиб, корхона фойдага қолган. Солиқ пули, электр энергия харажатлари вақтида ҳисоб-китоб қилинади. Ойлик маош ҳам чакки эмас. Янги ускуналар, транспорт сотиб олиш учун маблағ жамғариляпти. Янги ишчи ўринлари яратиб, атрофдаги бекор юрган ёш-яланглари ишга жалб қилиш, корхонани кенгайтириш режалари устида бош қотирилаяпти. Корхона ёнидаги махсус магазиндан маҳсулот сотиб олиш учун узоқ-яқин қишлоқлардан одамлар келиб туришибди. Улар айни пайтда янги маҳсулотларга буюртма қилишади. Безаш учун магазинда бериб қўйилган чизмалардан намуналар танлаб, тавсия қилишади. Баъзи фермерлар янги уй қурганини айтиб, уни безаб беринг, деб Қутбиддиндан илтимос қилишади. Рассом йигит одамшаванда, камтар. Ҳеч кимнинг илтимосини ерда қолдирмайди.

— Халқимиз чиройли турмуш шайдоси,— дейди Қутбиддин. —Улар ўзаро иморатларда истиқомат қилишни хуш кўришади. Бундай пайтда ҳожат чиқариш, ёрдам кўрсатиш менга ҳузур бағишлайди. Ишим тўлиб-тошиб ётган бўлса ҳам вақт топиб буюртмачиларнинг илтимосини бажаргани бораман.

«Нақшинкор» кичик корхонаси жамоаси улгайиб, малака ҳосил қилди. Маҳсулотларининг тури, ҳажми кўпайиб, сифати яхшиланган сари харидоргирлиги ошяпти. Кичик корхонани бугун Қутбиддиннинг укаси Илҳомжон тебратади. Бош раҳбар Қутбиддин Турдиев эса шогирдлари билан кўпинча сафарда. Жойларда янги қурилишларда ўз қобилиятининг янги қирраларини меъморчиликда намоён этмоқда. У туман, вилоят аҳамиятига молик маданий-маиший биноларга нақш солади. У ажойиб безатувчи рассом-мутахассис сифатида вилоятда таниилган. Дустларининг унга қўшалоқ омад соҳиби, деб хазиллашганича бор. Қутбиддин қайси бир бино жамолини очишга таклиф қилинмасин, уз ишини қойил қилиб уддалаб, таҳсинлар олади. Сопол парчаларини ўринли ишлатиб, чиройли манзаралар чизиб, биноларни кўркамлаштиради. Андижон шаҳридаги шох автобекатда шарқона усулда бунёд этилган замонавий бинолардаги безакларда, антиқа қилиб қурилган фавворада унинг маҳорати акс этиб турибди. Сув мавжлари остидан чиқиб келаётган ғўзал сув париси жозибали ифодаланган. Андижон жума бозорида қад кўтарган иморатлардаги безаклар ҳам унинг маҳорати маҳсули. Андижон йигирув ва тўқув фабрикаси ҳудудида, Хонабод марказида тикланган сервиқор маданий-маиший иморатлардаги безаклар ҳам Қутбиддиннинг ишланишларига мансуб. Пахтаободдаги «Сохил» ип-йигирув тикув фабрикаси, ҳовлисидаги панно қуёш нурларида товланиб баҳри-дилингизни яйратади. Қутбиддин фаввора деворларига сополдан ҳамда ўчмас буёқлар билан сулим манзаралар чизиб безаган. Дам олувчилар фавворадан ҳузур олади. Айни чоғда санъат асарига тенг манзаларни кўриб, ҳузур қилади.

Қутбиддин Турдиев бугун эл назарига тушган. Андижонликлар уни ҳурмат қиладилар. Азиз меҳмоним бўлинг деб уйинг туридан жой беришади. Халқ бундай инсонларни ҳамиша адқолаб эъзозлаган. Қутбиддин элюртга фойда келтирадиган инсон бўлишга интилди ва бунга эришаяпти. Ҳаётда ўз ўрнини тополмай турмуддан нолиб юрган кишиларга унинг таржимаи ҳоли сабоқ бўлиб хизмат қилиши мумкин. Агарда Қутбиддин баъзиларга ўхшаб «иш тополмаяпман иложим қанча» деб бекор юраверганида бугунги эришган мавқе, бахти, обрўйини тушида ҳам кўрмаган бўларди. Бинобарин ўнлаб иморатлар жамол очмаган, «Қошинкор» кичик корхонаси дунёга келмаган бўлур эди. «Орзуларим бисёр ва ранго-ранг», дейди Қутбиддин Турдиев биз билан суҳбатда. Иш кўп, вақтим эса жуда зиқ. Мустақиллик тўғрисида ноёб асар яратишни, истеъдодли шогирдлар етиштиришни орзу қиламан... Биз у билан хайрлашарканмиз, ниятларинг йўлдошинг бўлсин, деб тилак билдирамиз.

А.АБДУРАҲИМОВ.
Б.ҚАҲҲОРОВ.

МИЖОЗЛАРГА КАТТА ҚУЛАЙЛИК

Йил буйи қилинган меҳнат маҳсули — «оқ олтини»миз хирмонларни безамоқда. Кекса деҳқонларнинг кафолат беришларича, Касби тумани хўжаликлари далаларида бу йил ҳар доимгидан ҳам мўл ҳосил тўпланди. Утган мавсумда туман пахтакорлари юқори ҳосилдорликка эришиб, белгиланган режаларини ортиги билан адо этганликлари учун иқтисодий муаммоларни тез ҳал қила билдилар.

Пахта ҳосилини йиғиштириб олишга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан утказиш, пахта маҳсулоти ҳажмларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган қарори пахтакорнинг белига қувват, дардига малҳам бўлди. Икки қаторли пахта териш машинасида кондицион оғирлиги бир тонна пахта терган механизатор камида 90 сум, тўрт қаторлида тергани эса камида эллик беш сўм ҳақ олаяпти. Қул теримчилари эса бир килограмм пахта учун уч ярим сўм, ингичка толали пахта учун тўрт ярим сўм мидоқрида ҳақни ҳар беш кунда нақд санаб олаётирлар. Иқтисодий бақувват хўжаликларда эса ҳақ тўлаш миқдори бундан ҳам юқорироқ белгилангани теримчиларни қизиқтирмоқда. Теримчилар, шунингдек пахтани юклаш, тушириш, тайёрлаш, транспортда ташиш ва жойлаштириш, ишлов бериш, пахта териш ускуналарига техник хизмат кўрсатиш ва тузатиш билан банд бўлган ходимлар ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахтабанк»имиз жамоаси улар хизматида. Жамоамизда 24 нафар мутахассис меҳнат қилади. Бир юз олтмиш етти нафар мижозларимизнинг аксарияти қишлоқ хўжалиги тармоғига қарашли.

Хўжаликлар қишлоқ хўжалиги соҳасида белгиланган режаларини қанчалик юқори даражада уддаласа, шунча кўп даромад олиб узаро молиявий ҳисоб-китоблар осон ҳал бўлиши табиий. Мижозларнинг милиявий ютуқларидан банк жамоаси ҳам манфаатдор.

Тўловларнинг самарали тизими ташкил этилгани мижозлар учун катта қулайликлар туғдиряпти. Электрон тўловлар тизимининг ишга туширилиши банк соҳасида муҳим воқеа бўлди. Тўлов бир банкдан иккинчисига бир-икки соат давомида утказилишига имкон яралди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида тўловлар қанчалик тез ва қисқа фурсатда амалга оширилса, маблағларнинг бундай сурьатда айланиши катта самара беради. Мижозларнинг ҳам, банк жамоасининг ҳам молиявий аҳволи бақувватлашиб боравераді.

Туманимиз вилоятда илғорлар сафида бораётир. Айниқса, ғалла йигим-терими уюшқоқлик билан утди. Талон-торожликларга йўл қўйилмади. Давлатга 21250 тонна ғалла топширишга буюртма олинганди. Бу режа 133,1 фоизга адо этилди. Тер тукканга ер тукади. Меҳнат қилмай роҳат қурмас, уруг сепмай экин ўрмас, деганлар. Айрим ижарачилар белгиланган режаларини икки ҳиссага ортиги билан бажарганини қуриб кувонмай баладими? Даромадлари ҳам шунга яраша мул.

Бугун банк ходимларининг қули-қулига тегмайди. Чунки ишлари миқёси беқиёс. Қаердаки, ишчи-хизматчиларга намунали шарт-шароит муҳайё экан, унумдорлик юқори бўлаверади.

Имкон қадар ходимларга молиявий мадад берилмоқда. Мустақиллик байрамининг олти йиллиги муносабати билан ҳар бир ишчи-хизматчи бир ойлик маоши миқдорида моддий рағбатлантирилди.

Ун миллион тўрт юз ун минг сўмлик акция чиқарилди. Шундан уч миллион саксон беш минг сўмлиси имтиёзли тарқатилди. Ўтган йили саксон фоиз дивиденд олинди. Банкимиз ярим йилда икки миллион 27 минг сўм соф фойда олди.

Мижозлар ва хўжаликлар иш ҳақларини ўз вақтида олишаётир. Уларнинг дебитор ва кредитор қарзлари миқдорлари ой сайин камайтирилмоқда. Бу эса хўжалик юритишдаги муаммоларни бартараф этишга имкон яратмоқда.

Банк тизими ва ислоҳот

Ҳиссадорлар яхшироқ ва кўпроқ ишласалар, мижозларга тез ва намунали хизмат кўрсатсалар, мўмай даромадга эга булишларига ишонч ҳосил қилаётирлар. Кредитлаштириш бўлими бош мутахассиси Ҳуснитдин Обидов, компьютерлаштириш бўлими мутахассиси Содиқ Ҳамидовлар утказиладиган маблағларни ўз вақтида етказишни таъминлашмоқда. Хазиначи Гулсара Бўронова, ҳисобчи Баҳодир Каримовлар ҳам намунали хизмати учун мижозлар ишончини қозондилар.

Мижозлари кўп банкнинг истиқболи порлоқ булади. Тумандаги Ш. Рашидов номли ёпиқ ҳиссадорлик жамияти, «Ғалаба», «Наврўз», Темур Малик номли жамоа-ширкат хўжаликлари молиявий бақувват мижозлар сирасига киради. Улар билан ўзаро ҳисоб-китоблар икки томон учун ҳам қулай. Республика, вилоят, туман миқёсида барча мижозлар томонидан бериладиган тўлов-топшириқномалар ўз вақтида утказилиши таъминланаётгани учун шериклар мамнун.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 2 июлдаги «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш муҳим вазифалардандир. Қарорни бажара бориб, савдо шохобчаларида саккиз турдаги энг зарур халқ истеъмоли моллари булишини таъминлаш учун банк ўз маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратмоқда. Ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун катта қулайликлар яратаётир, долзарб қарорлар қабул қилинмоқда. Айниқса дебитор-кредитор қарзларни камайтириш бўйича қишлоқ хўжалиги учун берилган қисқа муддатли кредитларни қайтариб олиш муддатларини икки мингинчи йилгача узайтирилгани тармоқ истиқболи учун муҳим бўлди.

Банк тизимида жорий этилган замонавий техник асбоб-ускуналардан оқилона фойдаланиш, мижозларга янада яхшироқ хизмат курсатиш, мутахассислар малакасини мунтазам ошириб бориш доимо диққат-эътиборимизда. «Биз ишлаётган даргоҳдан ҳеч ким ранжиб қайтмаслиги керак». Бу бизнинг муқаддас аъмолимиздир.

Исмоил ЮНУСОВ,
Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахтабанк»нинг Касби тумани бўлими бошқарувчиси.

Куз — тўкинчилик фасли. У беназир далаларимиздаги мўл-кўл ҳосил билан янада файзнёб. Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги «Қашқадарё» жамоа хўжалигида қўплаб деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Бунга «Ҳаракат» деҳқон-фермер хўжалигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу йил жамоа аъзолари мавжуд 15 гектар ернинг 8 гектарида пахта ва қолган қисмида турли экинлар парваришлашди. Айниқса озуқабоп экинлар учун ажратилган майдонларда ҳосил мўл бўлди.

СУРАТДА: (чапдан) мазкур деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Нурали Пармонқулов хўжалик аъзоси Н.Муродов билан қутбарака даласи — маккажўхоризорда.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ХАРИДОРГИР ТОЛА

Ингичка толали пахтани қайта ишлашга ихтисослашган Термиз пахта тозалаш заводи янги ҳосилдан тайёрланган дастлабки 100 тонна толани Американинг «Дановант энтерпрайзис» компаниясига сотди. Пахта толасини ҳарид қилиш ва уни қайта ишлаш бўйича дунёда етакчи уринни эгаллайдиган ушбу компаниянинг Термиз тумани хўжаликлари толасини ҳарид қилиши бежиз эмас, албатта. Бу ерда хомашёдан 35,4 фоиз гача сифатли тола олинмоқда.

Термиз заводи билан «Дановант энтерпрайзис» ўртасида ҳамкорлик алоқалари ҳам жадал ривожланяпти: заводнинг ходимларидан бир гуруҳи мазкур компаниянинг Австралиядаги корхоналарида тажриба орттирмоқда. Янги технолоияни ўрганаётган бу ходимларнинг Австралиядаги барча сарф-ҳаражатлари компания зиммасида. Яқин келажакда ана шу ҳамкорликнинг натижаси ўлароқ, Термиз шаҳри яқинида ингичка толали пахтани қайта ишлайдиган қўшма корхона — пахта тозалаш заводи қурилиши бошлаб юборилади.

Ч. ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

МИРИШКОРЛАР ЮТУҒИ

Наманган тумани шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси аъзолари жорий деҳқончилик йилини ютуқлар билан бойитишмоқда. Чунончи бошоқли дон, сабзавот сотиш бўйича шартномалар ортиғи билан бажарилди.

— Ютуқларни кўпайтириш асосий мақсадимиз, — дейди уюшма раиси Ҳамидхон Ўринов. — Куни кеча эса пахтакорларимиз ҳам ваъдани уддалашди. Гектаридан 35 центнердан хирмон кўтардик. 45 центнерлик маррага интилаямиз.

Уюшма муваффақиятларида сабзавоткор Икромхожи Дадашев, пахтакор Умарали Юнусов каби илғорларнинг ҳиссаси катта.

А. ҚОРАБОЕВ
«Қишлоқ ҳаёти»
мухбири.

«Qishloq hayoti» ko'ngillarga orom va quvonch tilaydi

Ойнаи жаҳонда

22—28 сентябрь

ДУШАНБА, 22

I

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 22 сентябрь, душанба куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильм. 1-фильм.
18.20 Бухоро — 2500. «Тарихингдур бир жаҳон...»
18.40 «Олам ва одам».
19.00 «Шарқ тароналари». 4-кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.45 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Сиёсат оламида».
21.30 «Барҳаёт наволар». Ака-ука Шожалиловлар.
22.05 ЎзТВ хазинасидан. Абдураҳф Фитрат. «Абулфайзхон». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.50 «Ахборот».
00.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент)—«Зарафшон» (Навоий). Ёзиб олинган.
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт китъаси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Шимпанзе суперагенти». Телесериал.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.00 Кундалик.
22.10 «Туризм ҳақида».
22.30 «Спорт китъаси».
23.30 «Саҳна-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20—00.30 Кундалик.

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзбекистон қанотлари».
8.45 «Жаҳон киноси юлдузлари».
9.05 «Кино янгиликлари».
9.15 «Кетмас давлат берсин». Публицистик кўрсатув.
9.45 «Гулгунчалар».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Озод ва обод юрт».
10.25 «КИМ». Бадиий фильм.
12.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
13.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
13.30 — 14.00 «Телевизион миниатюралар театри».

*

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
17.20 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Поногеи»нинг ўғирланиши». Бадиий фильм. 1-серия (Молдова).

*

Россия давлат телевидениеси.
21.45 — 22.10

*

22.10 «Кругозор». Тележурнал.
22.40 — 23.00 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.55 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид».
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Авторейд».
20.25 «Спорт-тайм».
20.55 «Ракурс».
21.25 «Фаришта».
22.00 «Долзарб репортаж».
22.30 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериал.
23.15 «Гўзаллик ва мангулик».
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 23

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Шарқ тароналари». 4-кўрсатув.
8.50 Биржа ва банк хабарлари.
9.05 «Олам ва одам».
9.25 «Барҳаёт наволар». Ака-ука Шожалиловлар.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳамкорлик ришталари».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Тасвирий санъат.

*

12.00 ЎзТВ экранида биринчи марта. Ҳ.Дўстмуҳаммад. «Жаҳолат». Видеофильм.
13.20 «Фил полвон оғриб қолди». Мультфильм.
13.30—14.00 «Сиёсат оламида».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Барҳаёт умр».
18.25 «Қулупнай ёмғири». Мультфильм.
18.35 «Ҳазрати Инсон».
19.00 «Мадҳингни куйлайман, Ватан». Концерт.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Автоолам».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Хива—2500. «Хоразм наволари».
21.50 «Пардали гап».
22.25 Газета саҳифаларида...
22.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» (Наманган) — «Дўстлик» (Тошкент вилояти). Ёзиб олинган.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Умрбоқий тароналар»
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Нафис мажлислар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Шимпанзе суперагенти». Телесериал.
20.30 «Ахборот».
21.00 «ҲИФ».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 Кинонигоҳ. «Инспектор «Морс». 8-серия.
23.15 Кундалик.
23.25 «Авлодимиз».
23.40 «Акс».
24.00—00.10 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.35

*

20.35 «Поногеи»нинг ўғирланиши». Бадиий фильм. 2-серия.

*

Россия давлат телевидениеси.
21.40 — 22.05

*

22.05 Эълонлар.
22.10—22.30 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
19.05, 23.00 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Дунё эшиги». Саудия Арабистони миллий байрами.
20.15 «Янги иқтисод».
20.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.00 «Ўйингоҳ».
21.30 «Эл эъзози». Академик Воҳидов.
22.00 «Моҳир».
22.30 «Америкага назар».
23.05 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериал.
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Мадҳингни куйлайман, Ватан». Концерт.
8.50 «Бармоқлар сеҳри».
9.15 «Қишлоқ стадионларида».
9.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бахтим, сени куйлайман».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «НОУ-ХАУ». Янги технологиялар ҳақида.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.

*

11.25 «Ўғил бола гап». Бадиий фильм.
12.55 «Пардали гап».
13.30—14.00 «Соз сеҳри». Мусиқий кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильм. 2-фильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан битдаду...»
18.25 Жамоат ташкилотлари: «Маслак ва мақсад».
18.45 «Исмлар тарихи».
19.00 «Шарқ тароналари». 5-кўрсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 28.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Нуқтаи назар».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 ЮНЕСКО. «Жаҳон хотираси» лойиҳасининг Халқаро маслаҳат кенгаши учрашуви олдидан. «Хазина».
21.40 Бир кулишайлик. «Ғаройиб ов».
22.05 Бухоро—2500. «Бухорои Шариф».
22.30 «Вазият». Публицистик курсатув.
22.45 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан».
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ёзув столидан репортаж».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Классик куйлар кечаси».
18.55 «Муҳаббатга таянган дунё».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Шимпанзе суперагенти». Телесериал.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.15 Кундалик.
23.25—00.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.35

*

20.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
21.05 «Лигурия» фожиаси». Бадиий фильм (Мексика).

*

Россия давлат телевидениеси.
22.15 — 22.40

*

22.40 Эълонлар.
22.45 — 23.05 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00. 22.10 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Таклиф ва ташрифлар».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Ҳамкорлик».
20.40 «Нафосат гулшани».
21.10 «Безнен мирас».
21.35 «Автосалтанат».
21.45 «Парвоз».
22.15 Ҳ. Дўстмуҳаммад. «Жаҳолат». Видеофильм (такрор).
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Шарқ тароналари». 5-кўрсатув.
8.50 «Иқтисодиёт чорраҳалари-да»
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Номалўм Бухоро».
9.35 Болалар учун «Устоз ҳақида сўз».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ёруғ олам кўзгуси».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Алифбо сабоқлари».

*

11.00 «Талаба ва спорт».
11.20 Мухлис ёхуд қўшиқ изидан.
12.00 «Дунё ёшлари».
12.15 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
13.15 «Ёрдамчилар», «Уч қурбақа». Мультфильмлар.
13.35—14.00 Бир кулишайлик. «Ғаройиб ов».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Куёшда пишган нон». Мультфильм.
18.20 «Авлод».
18.40 «Ислоҳот ва масъулият».
19.00 Лирик тароналар.
19.25, 20.25, 20.55, 23.35 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Нажот излаб...»
21.20 ЮНЕСКО. «Жаҳон хотираси» лойиҳасининг Халқаро маслаҳат кенгаши учрашуви олдидан. «Икки аср ораси».
21.40 Илҳом Иброҳимов концерти.
22.00 «Туркистон—умумий уйимиз». Мухтор Авезов.
22.25 Газета саҳифаларида...
22.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.40 «Ахборот».
00.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Зарафшон», «Замин соҳиблари».
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Мультипанорама».
9.20 «Турфа олам».
9.45 «Бари ҳазил».
10.00 «Мусиқа салтанати».
10.25 «Даллас». Телесериал.
11.15 «Жараён».
11.30—13.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш ўйинлари.

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жажжи давра». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Сир».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубляж».
20.10 «Мутойиба».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳудуд». Телеочерк.
21.30 «Одобнома».
21.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 Кино жавонидан. «Фудзиямага чиқиш». Бадиий фильм.
24.00—00.10 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.35

*

20.35 Теннис: Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги халқаро турнири. Ярим финал. Тим Хенман (Буюк Британия) — Ф. Клавет (Испания).

*

Россия давлат телевидениеси.
22.15 — 22.40

*

22.40 Эълонлар.
22.45 — 23.05 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.05 Эълонлар.
19.05 «Саҳна-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Айнурек».
20.15 «02» тўлқинида.
20.30 «Компьютер-ревю».
20.45 «Америка президентлари».
21.15 «Интер-спорт».
21.25 «Каталог».
21.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.10 «Инспектор Ракка». Телесериал.
22.55 — 23.05 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Лирик тароналар.
8.50 «Юзма-юз».
9.10 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
9.30 Болалар учун. «Орзу».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Халқ ижодиёти».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Немис тили.

*

11.00 «Таълим ва ислоҳот».
11.15 «Дунё адабиёти».
11.40 «Сайқал». Тележурнал.
12.40 «Аралаш». Киножурнал.
13.00—14.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Болаларга бахшида умр». Пўлат Мўмин.
18.30 «Қалб гавҳари». Маърифий кўрсатув.
18.50 «Шеър ва шуур».
19.00 «Шарқ тароналари». 6-кўрсатув.
19.25. 19.50, 20.25, 20.55, 00.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Султонпошша Ўдаева куйлайди.
21.55 ЮНЕСКО. «Жаҳон хотираси» лойиҳасининг Халқаро маслаҳат кенгаши учрашуви. «Кўлёзмалар тарихи».
22.15 Хива—2500. «Меҳр макони».
22.35 «Ўзбекистон ва жаҳон». Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеясининг Тошкент анжумани якунларига доир.
23.05 «Сеҳрли шўъла». Кинокўрсатув.
«Munaввар дунё». Маърифий дам олиш дастури.
23.25 «Олам».
23.40 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 6-қисм (Миср Араб Республикаси).
00.30 «Ахборот».
00.55 — 01.00 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Жажжи давра». Болалар учун дастур.
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.35 «Бир жуфт қўшиқ».
9.45 «Билиб қўйган яхши».
9.55 «Сир».
10.10 «Дубляж».
10.25 «Мутойиба».
10.40 «Ҳудуд». Телеочерк.
11.10 «Одобнома».
11.20 — 13.30 Кино жавонидан. «Фудзиямага чиқиш». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.35 «Ёнмаган ёзувлар».
18.55 «Нозик мўъжиза».
19.05 «Бизнес ҳафта якунлари».
19.15 «Эртага — шанба».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дил дафтари».
20.00 «Жарангдор соз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ривоят».
21.10 «Хуш келибсиз».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.45 «Кинонигоҳ».
23.20 «Дераза».
23.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.25 — 00.35 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.35

*

20.35 Теннис: Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги халқаро турнири. Ярим финал. М. Россе (Швеция) — Е. Кафельников (Россия).

*

Россия давлат телевидениеси.
21.15 — 21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Дэвид Копперфильд мўъжизаси». 3-қисм.
22.30 «Мусиқа ҳамма учун».
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 21.40 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
19.50 «Шарқ дарвозаси».
20.10 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.40 «Ирэндек».
21.10 «Ўн икки тилда — ўн беш соат».
21.45 «Инспектор Ракка». Телесериал.
22.30 «Осиё монитори».
23.00 Ўзбекистонда Японияннинг маданият кунлари. «Японияннинг йил фаслари». Балет труппаси раҳбари Екояма Кейко.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Шарқ тароналари». 6-кўрсатув.
8.45 «Тасвирчи Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм.
9.05 «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 6-қисм.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
9.50 «Истеъдод».
10.10 «Мунис қалблар».
10.35 «Ҳунарли элда азиз».
10.55 «Ҳаёт сабоқлари». Публицистик кўрсатув.
11.40 «Ўйла! Изла! Топ!». Телемусобақа.
12.15 Эстрада концерти.
12.35 Одил Ёкубов, «Авлодларга васият». Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят драма театрининг спектакли.
14.25 — 15.25 «Маъновият». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш учрашуви. Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоалари. Таниқфус пайтида — «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
19.50 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25, 20.55 Эълонлар.

*

20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 ЮНЕСКО. «Жаҳон хотираси» лойиҳасининг Халқаро маслаҳат кенгаши учрашуви. «Хамса».
21.50 Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий куйлайди.
22.20 Газета саҳифаларида...
22.35 «Азиз сиймолар». Ўзбекистон халқ артисти Воҳид Қодиров.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
22.55 «Куй ва тасвир».
23.15 — 01.05 «Оилавий бизнес». Бадиий фильм (АҚШ).

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.15 «Ёнмаган ёзувлар».
9.35 «Нозик мўъжиза».
9.45 «Бизнес ҳафта якунлари».
9.55 «Дил дафтари».
10.00 «Жарангдор соз».
10.25 «Ривоят».
10.35 «Хуш келибсиз».
10.55 «Кинонигоҳ».
12.30 — 12.45 «Дераза».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Боланинг тили».
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Қонун ҳимоясида».
19.00 «Таянч».
19.15 «Минг бир ҳунар соҳиблари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Дилором наволар.
20.10 «Бизнес-академия».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мафтункор чеҳралар».
21.20 «Ҳанда дўкони».
21.40 «Даллас». Телесериал.
22.30 «Интер-футбол».
22.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 Видео—«О».
00.30 — 00.40 «Даракчи».

III

18.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
18.55 «Дэвид Копперфильд мўъжизаси». 4-қисм.

*

Россия жамоат телевидениеси.
19.45 — 20.30

*

20.30 Эълонлар.
20.35 Теннис: Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги халқаро турнири. Финал.
21.55 «Циклон». Бадиий фильм.
23.05 — 23.25 «Бухоро — 2500». «Бухоро зардўзлари». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 «Учувчи шифокорлар». Бадиий фильм.
10.10 «Рақслар қанотида».
10.40 «Бизнинг неварамиз милицияда ишлаяпти». Бадиий фильм.
12.05 «Биргаликда куйлайлик».
12.50 — 13.10 «Корейс тилини ўрганамиз».

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультқарусель».
19.00, 22.20 Эълонлар.
19.05 «Саҳна-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Чинсен».
20.30 «Спектаклдан сўнг».
21.00 «Ассалом, Франция!».
21.30 «Серго». Видеофильм. Архитектор Серго Сутягин ҳақида.
22.00 «Ишингиз бароридан келсин». Қимматли қоғозлар бозори.
22.25 «Самодаги олмослар». Телесериал.
23.10 «Бу ажиб дунё».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Мусобақалар, очколар, секундлар».
11.15 «Ташриф». Дам олиш дастури.
11.55 «Яшил чирок».
12.25 «Оилавий бизнес». Бадиий фильм (АҚШ).
14.15 «Тараққиёт йиллари». Кўрсатув ва концерт.
14.45 — 15.45 «Нурли келажак».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.40 «Санъат олами».
19.00 «Шарқ тароналари». 7-кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий дам олиш кўрсатуви.
22.05 «Футбол майдонларида».
22.25 Телевизион миниатюралар театри. «Шийпондаги ҳангомалар».
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
23.05 «Кино янгиликлари».
23.15 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
23.35 «Муҳаббат риштаси». Бадиий фильм. 1—2-сериялар (Ҳиндистон).
02.05 — 02.10 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили».
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.30 «Қонун ҳимоясида».
9.40 «Таянч».
9.55 «Минг бир ҳунар соҳиблари».
10.05

САОДАТ МАНЗИЛИ

XXI аср бусағасида қадим Туркистон ҳудудида яшовчи халқларнинг янги шароитдаги бирлиги вужудга келмоқда. Бу яқинлашиш ери ерига, тили тилига, дили дилига, дини динига туташ халқларимиз руҳига мосдир. Қўйилаётган амалий қадамлар, эзгу ишлар эса бирликнинг қадр-қийматини ошириб, унга куч-қудрат бахш этмоқда. Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган «Туркистон — умумий уйимиз» гояси ота-боболари бир бўлган халқларнинг маънан қайта бирлашмоқлари учун мўборак қадам бўлди. Бу ҳақда юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Ота юртимиз Туркистон — катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила». Марказий Осиёнинг барча халқлари маъқуллаган, айни пайтда бошқа туркий халқларни ҳам беҳад қувонтирган бирлик, ҳамкорлик бугун қудратли маънавий кучга айланиб бормоқда.

Тошкентда ўтган «Марказий Осиё — ядро қуролидан ҳоли зона» мавзуидаги халқаро конференция ҳам минтақа халқлари учун муҳим тарихий воқеадир. 56 давлат ва 16 халқаро ташкилотлардан вакиллар қатнашган ушбу нуфузли анжуман дунёвий тинчлик сари қўйилган яна бир қўтлуғ қадам. Шу билан биргаликда Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлиги ҳамда аҳолисининг тинчлигини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, минтақани барқарор ривожланиш ва гуллаб яшнатиш борасидаги манфаат ва мақсадлар муштараклиги бўлди. Тарихдан маълумки, дунёда халқлар бирлигидан қудратли куч йўқ. Азал - азалдан энг оғир кунларида бир-бирига суяниб, бирбирини қўллаб-қувватлаб, бир оила фарзандидек меҳрли, оқибатли яшаган халқларнинг бугунги яхлитликдаги ҳаракати янги замон талаби ва эҳтиёжидир. Бу биргаликдаги ҳаракат Марказий Осиё давлатларини, қадим Туркистон халқларини саодат манзилига бошлаб боради. Негаки, халқимизда бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар, деган мақол бор.

Қадим пойдевор устида барбод этилган Марказий Осиё халқларининг дўстлик, бирдамлик иморатига илк гиштни қўйган бу эзгу йўлда карвонбошилик қилган фидоий инсон — юртбошимиз Ислом Каримов эканлиги ҳар бир инсон учун шараф ва ғурурдир. Зеро, адолатпарвар Президентимиз БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли зонага айлантириш тўғрисидаги ташаббусни илгари сурган эди. Тарих солномасида муҳрланган бу ҳақиқат бугун ўзининг амалий иньикосини топмоқда.

Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида Марказий Осиё халқларимиз бирлашиб-биргалашиб қилаётган ҳаракатлари ва бу борада Тошкентда ўтган халқаро анжуман дунёнинг турли мамлакатларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Эзгуликнинг қаноти бор. Бугун қўҳна Туркистон халқларига хотиржамлик, тинчосойишталик ато этадиган эзгулик албатта дунё бўйлаб кенг парвоз қилади. Йўллар-йўлларга боғланади, умидлар ишончга айланади, халқларни эзгуликка бошловчи йўллари бирлашади. Шунда олам гулга, меҳр-муҳаббатга тўлади.

Бугун эса имкон эзгу ниятли инсонлар тилагида ўсиб-улғайиб Марказий Осиё халқларини ягона тилакка, яхши ниятда бирлаштиряпти.

Давримиз зарвараги

Муяссар ТЕМИРОВА, Ўзбекистон Қаҳрамони. Бухоро вилояти:

—Дунёда тинчлик-хотиржамликдан ортиқ бахт, бебаҳо хазина йўқ. Бугун мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқлар бари тинчлик, ўзаро якдиллик, бирлик ва ҳамкорлик натижасидир. Илло, юртимиздаги тинчликка кўз тегмасин, дилдош халқларнинг биргаликдаги ҳаракати, бутунлиги барчамизга мўборак бўлсин.

Ойшахон ҚЎЧҚОРОВА, Ўзбекистон Қаҳрамони, Наманган вилояти:

— Дунёдаги барча оналар тинчлик-хотиржамлик тарафдоридирлар. Зеро, урушлардан, вайроналикдан энг кўп жафо чеканлар ҳам ана шу меҳр-муҳаббат доялари, гўзаллик маъбудаларидир. Шу маънода Тошкентда ўтган халқаро конференция аёллар орзуси, оналар ниятини рўёбга чиқарди.

Вилоят туғруқхонамизда ҳар куни ўнлаб-юзлаб чақалоқлар дунёга келади. Дунёдаги энг пок ва гўзал овозни илк бора биз доялар эшитамиз. «Марказий Осиё — ядро қуролидан ҳоли зона» халқаро конференцияси ўтган кунлар шундай ният қилдим: Нафақат бизнинг қўҳна Туркистонимиз, балки бутун жаҳон ядро балосидан халос бўлсин. Олам чақалоқлар «инга»сига тўлсин.

Берди МИРЗАЕВ, уруш ва меҳнат фахрийси:

— Тинчликнинг бебаҳо бойлик эканлигини, уруш кўрганлар юрак-юрақдан ҳис қилишади. Уруш инсониятга катта мусибат, оғир жудолик олиб келгувчи дахшат. Уруш кўрган инсон, нуроний ота, ували-жували бобо сифатида дуога қўл очаман. Тинчликка йўл очган йўлбошчимиз омон, давлатимиз қудратли, бирлигимиз боқий бўлсин.

Халқларимиз дўстлиги, биродарлиги тарих синовидан ўтган, мустаҳкам асосга эга. У тарихга руҳ бағишловчи бугун ва келажагимизни мустаҳкамловчи қудратли кучдир. Сўзимизни эса машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг «Мен Қирғизистонда қиргиз. Қозоғистонда қозоқ, Туркманистонда туркман, Тожикистонда тожик, Узбекистонда узбекман. Зеро, аслида биз буюк бир маданиятнинг меросхўри бўлган ягона халқмиз» деган сўзлари билан якунлаймиз. Дарҳақиқат, дунёда дўстликдан, тинчликдан қудратли куч, бебаҳо бойлик йўқдир.

А.ҚОДИРОВА.

Наманган вилоятида кейинги йилларда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Барча қулайликларга эга замонавий шифохоналар, соғломлаштириш марказлари қурилиб, ишга туширилди. Тўрақўрғон туманидаги «Янгиобод» маҳалласида фаолиятини бошлаган ҳакимлик хизмати пункти ҳам аҳоли учун яна бир қулайлик яратди. Замонавий тиббий асбоб-ускунлар, жиҳозлар билан таъминланган сиҳатгоҳда малакали шифокорлар қишлоқ аҳлига малакали хизмат кўрсатмоқдалар. Бу ерда тиббий асбоблар ёрдамида аниқ ташхислар ҳам қўйилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Ҳакимлик хизмати пункти биноси. 2. «Тез ёрдам»нинг чаққон ва тажрибали шифокори Мастурахон Иловиддинова ва ҳамшира Раҳимахон Раҳимбердиевалар бемор ҳузурига отланишмоқда.

П. АКБАРОВ суратлари.

Уч хабар

СЎЛИМ САЙИЛГОҲ

Йилдан-йилга Жиззах вилояти шаҳар ва қишлоқлари обод бўлиб бормоқда. Вилоятда қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, аҳолини ичимлик суви ва газ билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Бу йил ана шу ишларга 2,7 миллиард сўмликдан кўпроқ маблағ сарфланди.

Куни кеча Жиззах шаҳрида 12 гектар майдонни эгаллаган «Истиқлол» боғи очилди. Унда 1,5 минг ўринли «Ёшлик» форуми, маънавият ва маърифат» маркази, «Бахт уйи», чойхона мавжуд.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Андижондаги «Халқлар дўстлиги» стадионида «Чусок» — ҳосил байрами ўтказилди. Унда Андижон вилоятининг шаҳар ва туманларида яшовчи йигирмадан ортиқ миллат вакиллари иштирок этди.

«Чусок» — корейс миллий ҳосил байрами Андижон вилояти ва Жанубий Корея санъат усталари ҳамда ҳаваскор артистларининг катта концерти билан якунланди.

ЙЎЛ ҚУРГАН САВОБ

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган «Андижон-Ўш-Қашғар» автомобиль йўлининг 90 километри Андижон вилояти ҳудудига тўғри келади. «Андижонавтойўл» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси меҳнат жамоасининг саъй-ҳаракати билан унинг 50 километрли қисмида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Ҳозир бу ерда мунтазам қатновни йўлга қўйиш, ҳайдовчи ва йўловчилар учун қулай шароит яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

(ЎзА)

Марказий Осиё спорт мусобақаларида

ЧИНИҚИШ

Янги минтақавий баҳслар — Марказий Осиё ўйинларини ташкил этишда Узбекистон ташаббускор бўлган ва дастлабки мусобақалар Тошкентда ўтказилган эди. Мана энди навбат Алматига келди.

Юртдошларимиз илк олтин медаллар соҳиблари бўлишди. Булар дзюдочиларимиздан Фарҳод Тураев, Армен Бағдасаров ва Андрей Штурбабинлардир. Улар ўз вазн тоифаларида шохсупанинг энг юқори погонасига кўтарилишди.

Ҳозирча баскетболчиларимиз, волейболчиларимиз, боксчиларимиз саралаш баҳсларини муваффақиятли ўтказишмоқда. Иштирокчилар жами спортнинг ўн уч тури бўйича куч синашадилар. Асосий баҳслар Узбекистон ва Қозоғистон спортчилари ўртасида кечиши кутилмоқда.

Нима бўлганда ҳам Марказий Осиё ўйинларидаги чиниқиш қитъа ва жаҳон биринчиликларида муваффақиятли қатнашишга имкон бериши турган гап. Бу мусобақаларнинг аҳамияти ҳам шу билан белгиланади.

А. ШЕРОВ.

Футбол

ИШОНЧ РУҲИ

Терма жамоамиз келгуси йили Францияда ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш йўлида дастлабки саралаш баҳсларини муваффақиятли якунлаб, иккинчи босқичда Япония, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Қозоғистон командалари билан тўп суриши маълум бўлганида, аксарият мухлислар ва мутахассислар истиқболга шубҳа билдиришди.

Дарвоқе, Жаҳон футбол федерацияси (ФИФА) ҳисоб-китобларига қараганда Япония, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоалари рўйхатда вакилларимиздан анча юқорида турипсди. Лекин бундан уч йил олдин Бутуносиё ўйинлари пайти футболчиларимиз барча рақибларини доғда қолдириб, қитъа чемпиони бўлишган ва ҳар хил ҳисоб-китоблар, рўйхатлар нисбий нарса эканлигини исботлашганди-ку. Нега энди ҳозир чўчиб ўтиришимиз керак экан?

Албатта, киши иштиёқ ила сакрагани билан дарров икки метр баландликдан ошиб ўта қолмайди. Бироқ спортнинг қайси турида бўлмасин, олдиндан ўзини заиф, деб билмаслик керак. «Қўрқоққа қўша қўринар», деб ҳўп топиб айтган ота-боболаримиз.

Япония терма жамоаси билан учрашувнинг биринчи қисмида айнан ўз кучига ишончсизлик футболчиларимизга панд бериб қўйди. Оддий вазиятларда хатоликларга йўл қўйилганлиги бунга мисолдир. Натижада танаффусгача тўрт тўп утказиб юборилди. Иккинчи таймда чарм тўп усталаримиз ўзларини қўлга ола билишди. Киритилган учта жаваб тўпи ана шундан далолат. Тўғри, японлар яна икки тўп уришди. Шунга қарамай ўйининг иккинчи қисми вакилларимиз фойдасига якунланди — 3:2.

Сеулдаги беллашув ўз кучига ишонч нақадар аҳамият касб этишини яна бир карра тасдиқлади. Кореяликлар жонжаҳдлари билан ҳужум қилишларига қарамай чарм тўп усталаримиз шижоат билан ҳимояланишди. Айни чоқда ҳужумни ҳам эсдан чиқаришмади. Хуллас, рақиб билан тенгматенг тўп суришди. Ўйин тугашига бир неча дақиқа қолганида кузатилган 1:1 ҳисоби адолатли натижа эди. Сунгги лаҳзадагина омад биздан юз ўгирди. Лекин ҳеч ким футболчиларимиз жанубий кореяликлар билан чўчиб еки ҳафсаласизлик қилиб баҳс юритдилар, дея олмайди.

Истардикки, ўз кучига ишонч ва саботлилик 20 сентябрда Алматида буладиган учрашувда ҳам юртдошларимизни тарк этмасин. Ушанда албатта муддаога эришилади.

Терма жамоамиз ўз гуруҳида мусобақаларни қизитаётган бир паллада олий табақа вакиллари XXV тур учрашувларини утказишди. МҲСК, «Нефтчи»нинг галабаларига мухлислар аллақачон қўниқиб қолишган бўлса, «Насаф», «Зарафшон», «Хоразм»нинг кейинги пайтда муваффақиятли тўп суриши анчайин кутилмаган ҳолдир. Бу шундан далолат берадики, узбек футболининг имкониятлари, бинобарин, истиқболи порлоқдир. Фақат ўз кучига ишончни қўлдан бермасдан, муттасил равишда маҳоратни ошира бормоқ жоиз.

XXV тур натижалари: МҲСК — «Афросиёб» — 6:0, «Нефтчи» — «Сурхон» — 2:0, «Хоразм» — «Янгиер» — 5:0, «Дўстлик» — «Насаф» — 1:2, «Зарафшон» — «Навбаҳор» — 3:1, «Атласчи» — «Пахтакор» — 1:5, «Косонсой» — «Чилонзор» — 2:2, «Трактор» — «Андижон» — 2:1, «Бухоро» — «Суғдиена» — 0:0.

Командалар мавқеи:

1. МҲСК	**68**
2. «Нефтчи»	**62**
3. «Дўстлик»	**52**
4. «Навбаҳор»	50
5. «Пахтакор»	50
6. «Насаф»	36
7. «Суғдиёна»	34
8. «Зарафшон»	33
9. «Бухоро»	32
10. «Сурхон»	30
11. «Хоразм»	30
12. «Трактор»	28
13. «Косонсой»	26
14. «Афросиёб»	24
15. «Андижон»	23
16. «Янгиер»	21
17. «Чилонзор»	20
18. «Атласчи»	17

Шермуҳаммад ЙЎЛДОШ ўғли.

I-Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳи томонидан 1995 йилда Имомқулиева Зумрад номига берилган даволаш факультетида ўқиб, ихтисослики эгаллаганлиги тўғрисидаги 107-рақамли маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

БИР ҲОВУЧ ШУЪЛА

Маънавият

Эл орасида шундай бир ривоят бор. Қадимда бир ҳукмдор кўп уруғли юртни босиб олади. Аммо ҳаддеганда ҳаловат топмайди. Уруғлардан бири ҳукмдорга бўйсунмайди, ўз билганича иш тутади. Бундан ғазабланган ҳукмдор: «Бу уруғ бойлиги, ҳосилдор ери, дарёларига бино қўйиб, менга нописанд қараяпти. Қўлидаги бор-будини тортиб олиб, даштга чиқариб ташланглар» — дея фармон беради.

Икки йилдан сўнг ҳукмдор улардан ҳабар олгани одам жўнатади. «Улар ер экиб, ҳосил ундириб бинойидай яшаяпти» деб келади, хабарчи. Ҳукмдор уларнинг тавбага келмагани, аввалгидай ўзига ишончлари зўр эканини билиб, яна жаҳл отига минади. Бу гал иш қўролларисиз тақир жойга ҳайдашни буюради. Аммо икки йилдан сўнг бориб кўришса, яна уша-уша — бировдан бир бурда нон сўрайдиган эмас, бемалол кун кўришяпти. Шунда ҳукмдор уруғ оқсоқолини чақириб бу ҳолат сирини сўрайди: «Биз фарзандимиз оёғи ерга етгач, бир қўлига китоб, бир қўлига иш қуроли берамиз. Болаларимизни илм ва меҳнат билан қуроллантирамиз. Шунинг учун улар ҳар қандай қийин шароитдан чиқиб кетадилар. Аллоҳдан ўзга ҳеч ким уларни қашшоқ қила олмайди. Чунки уларнинг билганлари қалбида ёзилган», — дейди оқсоқол.

...Келажагига қайғурган миллат фарзандлари ҳақида ўзидан ҳам кўпроқ ўйлайди. Масалан, Японияда беш ёшгача болган қизалоқлар тарбияси алоҳида дастур бўйича олиб борилади. Митти қизалоқларнинг жисмоний ва маънавий шаклланишига жуда эътибор берилади. Сабабини сурасангиз «Ахир, бу қизалоқлар она бўлади-ку. Беш ёшгача соғлом ўсса, тафаккури шаклланса, у ёғидан хавотир олмаса ҳам бўлади», — дейишади улар. Ана шу мезонлардан туриб қарайдиган бўлсак, муҳтарам юртбошимизнинг Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўқкизинчи сессиясида таълим жараёни ҳақида ўртага қўйган масала ўзбекман деган ҳар кимса чуқур ўйлаб мулоҳаза қиладиган, хулосалар чиқариб, ишга киришадиган ғоят долзарб масаладир.

«...Ҳар қайси миллат..., — деб таъкидлайдилар Президентимиз, — ...биринчи навбатда юксак маънавияти ва маданияти билан қуроллантирамиз. Шунинг учун улар ҳар қандай қийин шароитдан чиқиб кетадилар. Аллоҳдан ўзга ҳеч ким уларни қашшоқ қила олмайди. Чунки уларнинг билганлари қалбида ёзилган», — қалбини янгилаш, тафаккурини бойитиш, ўзини англатиш қай тарзда кечмоқда?

— Албатта, содир бўлаётган воқеалар шиддати олис қишлоқларда ҳам сезилади. Аммо хизмат юзасидан сафарларга борганимда баъзи қишлоқ болалари қўпроқ ота-оналари олган ижара ери доирасида қолиб кетаётганлигини ҳис қилдим. Ваҳоланки, китоб ва кутубхонага сиғинибгина, қалбига ёруглик ва куч ато этиш мумкин. Қишлоқларимизда, мактабларимизда кутубхоналар бор. Аммо уларнинг китоб фондлари камбағал, эски давр китоблари билан қолиб кетган кутубхоналар талайгина. Ҳолбуки, озод бўлганимиздан буён хусусий ва давлат нашриётлари минглаб тарихий ва илмий китоблар нашр этди. Улар ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмас хазинадир. Тўғри, арзон эмас, аммо хўжаликлар, жойлардаги шакланиб келаётган сармоядорлар уша бебаҳо китобларнинг бир қисмини ўз жойидаги кутубхонага олиб бериш қудратига эга эмасларми? Эгалар, албатта. Олиб берди ҳам дейлик, кутубхона жавонларига терилган китоблар ўз-ўзига ҳеч қандай иш бажармайди. Кутубхоначилар, тарих, тил, адабиёт муаллимлари уша китобларга жон ато этиши керак.

«Туркистон Темур даврида» деган тарихий, адабий-балиий кеча ўтказилса, юқори синф ўқувчилари кутубхонадан китоблар ўқиб, деворий газеталар тайёрласа, сахна асарлари ҳақида ўйласалар, ўткир зеҳнлилар мусобақалари ўтказилса... Шу ўқиш, тайёрланиш жараёни боласолтириб юбориши, у миллат Ватан тушунчаларига нечоғлик яқин бориб қолишини мен аниқ тасаввур қиламан. Ёки кутубхонада савол-жавоб, баҳс кунлари уюштириш, бунга ота-оналарни таклиф қилиш ҳам фойдали. Бу ишларга қобилияти етадиган муаллимлар, кутубхоначилар оз эмас. Фақат уларга озгина мадад керак.

Мен қувалик Маърифатхон исмли муаллима аёлни биламан. Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани 5-ўрта мактабнинг Ҳайитгул исмли ёш директорини биламан, Фарғона Бағдод телевиденисида ишлайдиган Озода исмли тил, адабиёт фани муаллимасини танийман, Қамашида Момохол Элмуродова отли тилчи муаллима бор. Улар аллақачон юрагида Ватани уйғонган зиёлилар, уларнинг тажрибалари кўп. Байрамларда аллақайси китобдан қўчирилган гапларни кимдир ўқиб бериш билан ўтадиган юбилейлар, номига ўтказдингми, ўтказдим деган йиғинларга чек қўйиш пайти етди. Энди ҳар бир сўз, ҳар бир гап фарзандларимиз маънавияти, маданиятига бир ҳовуч шуъла бўлиб қўйиладиган ишлар палласи.

Амударёнинг Мангит туманига борганимда Исмоилхон исмли сармоядорни кўрдим, катта қурилиш ташкилотига бош экан. Қувада Урайимжон Каримов исмли ишбилармон Инсон бор; агар фарзандларимиз эртаси учун деса, шу сахий инсонлар, менимча, ҳар қандай китоб харжига тайёрлар...

Бизни дунёга машҳур қилган улуғ даҳоларимиз китобдан топган заковати ила қалбларини қудратли этганлар. Бугун ҳам, эртага ҳам «Билаги зўр бирни, билими зўр мингни енгади» деган ҳикмат эскирмайди.

Шундай экан, маънавий кучли бўлишнинг энг ишончли суянчиларидан бири китобдир, уни ўқиш ва ўқиш хосияти қўпдир.

Кутлибека РАҲИМБОЕВА.

PINE · PINE MENTHOL

KOREA TOBACCO & GINSENG CORP.

Пайн ва Пайн-Минтол — Жанубий Корея сигаретлари.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Азита» масъулияти чекланган жамият тугатилади. Даъволар эълон босилган пайтдан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Камон-Р» хусусий фирмаси тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.
Телефон: 76-83-01.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ: «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосари —1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Деҳқончилик бўлими —1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими —1- 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0582, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.